Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 30 апрель, шанба • №35 (11.734) • Эркин нархда сотилади

● *Вилоят ҳокимлигида*

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

**Шу йил 28 апрель куни вилоят ҳокимлигида Тошкенг вилояти фаолларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республика тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, бошқармалар, банклар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, корхоналар, тадбиркорлик субъектлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.**

Йиғилишни Тошкент вилояти ҳокими Козим Тўлаганов бошқарди.

2005 йил биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича устувор вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Таъкидландики, ялпи маҳсулот ўтган йилнинг шу муддатига нисбатан 4,5 фоизга ошди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг 7,8, истеъмол моллари — 7,7, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — 6,7, чакана савдо айланмаси — 6,5, пулли хизмат кўрсатиш — 14,3 фоизга оширилиши туфайли шундай натижага эришилди.

Айни пайтда ташқи савдо айланмаси 42,7 фоиз кўтарилиб, унинг ижобий салдоси салкам 70 миллион АҚШ долларини ташкил этди ёки ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 11 фоиз кўпайди. Солиқ тушумлари ва мажбурий тўловларнинг башорат кўрсаткичлари бажарилди.

Афсуски, эришилган натижалар бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Шу боис йиғилишда асосий эътибор фойдаланилмай қолган имкониятлар таҳлилига қаратилди. Энг асосийси 33 та йирик корхонада суръат пасайиб, 14,5 миллиард сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. Ички бозорни маҳаллий истеъмол маҳсулотлари билан тўлдириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт билан боғлиқ соҳалардаги аҳвол таҳлил қилиб чиқилди. Маърузаларда, шунингдек, сўзга чиққанларнинг нутқларида асосий эътибор маҳаллийлаштириш, хусусийлаштириш, таълим ва бошқа ижтимоий соҳалардаги дастурлар бажарилиши натижаларининг танқидий таҳлилига қаратилди. Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Бекобод шаҳарлари, Ўртачирчиқ, Қибрай туманларидаги корхона ва ташкилотларда дебиторлик қарзлари камаймаётгани алоҳида кўрсатиб ўтилди. Савдо, пулли хизматларни ташкил этиш, умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежларда таълим савиясини кўтариш соҳаларидаги ишларда йўл қўйилаётган камчиликлар жиддий танқид қилинди. Айниқса, таълим муассасаларини қуриш ва таъмирлаш борасидаги ишларнинг суръатлари ва сифатига жиддий эътирозлар билдирилди. Ижро интизоми сустлиги кўрсатиб ўтилди. Фаоллар йиғилишида белгиланган дастурлар бўйича олиб борилаётган ишларни молиялаштириш ва бошқа долзарб масалалар хусусида ҳам фикрлашиб олинди.

Йиғилиш муҳокама қилинган масалалар юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

### ҚУРИЛИШЛАР БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИ

**Вилоят ҳокимлигида қурилиши ва таъмирланиши лозим бўлган иншоотлар бўйича навбатдаги тендер танловлари бўлиб ўтди.**

Унда Тошкент шаҳри ва вилоятидаги ҳарбий қисмларда бунёд этилиши мўлжалланган ётоқхона ва ўқув-машғулот хоналари, шунингдек, Янгийўл туманидаги марказий деҳқон бозори янги қурилишлари бўйича савдолар ўтказилди. 13 та қурилиш ташкилоти ушбу иншоотларга даъвогарлик қилди.

Тендер талабларига жавоб берган ташкилотларга қурилиш иншоотлари бириктириб берилди.

**Равшан РУСТАМОВ.**

### ЁШ ДЎСТЛАР БАҲСИ

**Тошкент туманидаги «Келес» ўйингоҳида Сиҳат-саломатлик йили ва Қизил Ярим Ой жамиятининг 80 йиллиги муносабати билан туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаб ўқувчиларининг «Саломатликнинг ёш дўстлари» мавзуида мусобақаси бўлиб ўтди.**

Иштирокчилар йўл ҳаракати хавфсизлиги, саломатлик сирлари ва шунга оид мавзуларда баҳс олиб боришди. 27 та мактаб ўқувчилари иштирок этган бу мусобақада 5-мактаб вакиллари ғолибликни қўлга киритиб, вилоят босқичига йўлланма олдилар.

Ғолиб ва иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан совғалар тарқатилди.

**Даврон АБДУЛЛАЕВ.**

## МЕҲНАТГА ЯРАША САМАРА БЎЛАДИ



**Янгийўл туманидаги «Ниёзбош» ширкат хўжалиги аъзоларининг яхши ният, аниқ мақсадлар билан бошлаган меҳнатларининг илк ҳосиласидан диллари равшан. Хўжалик майдонларида экилган чигитнинг 96-97 фоизи барвақт униб чиқди.**

«Ниёзбош»нинг пахтачиликда қўлга киритган тажрибалари, кўп йиллардан бери эришиб келаётган салмоқли натижалари нафақат туман ёки вилоят, балки мамлакатимиз миқёсида ҳам эътироф этилади. Хўжаликда ердан унумли фойдаланилаётганлиги, шароитдан келиб чиқиб, қўшимча куч ва имкониятлар сафарбар этилаётганлиги, энг муҳими, деҳқон меҳнати қадрланиб, вақтида тақдирланиб келинаётганлиги туфайли бу ерларда самарадорлик юқори бўлиб, кўзланган мақсадларга эришилмоқда. «Ниёзбош» ҳар йили давлат буюртмаларини вилоятда биринчилардан бўлиб бажариб келиши ҳам шундан.

Хўжалик ўзининг ички куч ва имкониятларига таяниб, бу йил давлат эҳтиёжлари учун 3400 тонна қимматбаҳо хом ашё етиштириш буюртмасини олган. Режа бўйича ҳосилдорлик ўртача 27 центнер этиб белгиланди. 1260 гектар майдонга ҳудуд шароитида яхши синалган С-6524 чигит нави экилди.

Соҳа кишиларига яхши маълум, оби-тобига келтирилган ерларга чигитни ўз вақтида, сифатли экиб олиш дастлабки муваффақиятдир. Хўжаликда бу борадаги ишлар ҳам рисоладагидек ташкил этилиб, 10-21 апрель оралиғида экиш ишлари якунланди. Экиш жараёнида ерларга минерал ўғит ҳам берилди. Айни вақтда, хўжаликнинг пахта етиштириш билан шуғулланувчи 546 нафар пудратчисининг барчаси ўзига тегишли майдонларда иш билан банд. Улар намлик етишмай, ёки техник хатолар билан чигит унмай қолган ерларда қўшимча ишлов бериш, суғориш чораларини кўрмоқдалар.

— Асосий ерларимизда уруғлик тўла бўй кўрсатиб бўлди, — дейди бош пудратчи Равшан Эргашев. — Баъзи чигитларнинг ўз вақтида унмаганлиги табиий шароитнинг етишмаётганлигидандир. Айни ҳолатда қўшимча чораларни кўрмасдан, қўл қовуштириб пойлаш хато бўлади.

Хўжаликнинг Абдумалик Сатторов, Акбар Мадумаров каби пудратчилари далаларида ҳам чигит деярли бехато унган. Пудратчилар экинни шарбат усулида суғоришга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Дарвоқе, «Ниёзбош»да дала меҳнаткашларининг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун шароит яратишга мутасаддилар катта эътибор қаратишмоқда. Деҳқонларнинг дам олишлари учун бунёд этилган дала шийпонлари ораста ҳолга келтирилди. Уларда вақти-вақти билан маданий ҳордиқ учун турфа тадбирлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Мақсад — бор куч ҳамда имкониятлардан самарали фойдаланиб, мавсум сўнгига қадар ташаббус, уюшқоқлик, қолаверса, илғорликни қўлдан бермаслик.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТДА:** хўжалик бош пудратчиси Равшан Эргашев (чапда) пудратчи Акбар Мадумаров билан униб чиққан чигит тупини кўздан кечиришмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

● *«Баҳорги чақирув – 2005»*

## ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТИНГ

**Республика Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакат ёшлари армия сафига чақирилмоқда. Хизматга юборилаётган ёшларни кузатиб қўйиш маросимлари тантанали ўтказиляпти.**

Тошкент вилоятининг ҳарбий хизматга жўнатиш пунктида ҳам навбатдаги шундай тадбир бўлиб ўтди.

Тантанали кузатув чоғида Қуролли Кучларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Сўзга чиққанлар Қуролли Кучлар сафига отланган ёшларни Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчни шараф билан адо

(Давоми 2-бетда).

● «Баҳорги чақирув – 2005»

# ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТИНГ

этишга, армия хизматини муваффақиятли ўтаб, жисмонан ва маънан етук, ҳаётда ўз ўрнини аниқ белгилаб олишга қодир кишилар бўлиб етишишга чақирдилар.

– Мамлакатимизда шакллантирилаётган янги, профессионал армияда хизмат қилиш ҳар бир йигит учун катта шараф, – деди Зангиота туманидан чақирилувчи Бахтиёр Мансуров. – Хизматни тугатгач, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ишламоқчиман. Бу ниятимга эришишда аскарлик даврида орттирган тажрибаларим муҳим аҳамият касб этади, албатта.

– Ўғлим Зафаржонни ҳарбий хизматга кузатаётиб, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ўзимнинг армияга жўнаган кунларим ёдимга тушди, – дея суҳбатга қўшилди Аҳаджон Маҳмудов. – Ўшанда мен ҳарбий хизматни она юртимдан анча олисда – чет элда ўташга мажбур бўлган эдим. Мана, энди ўғлим мустақил юртимизни, тинч ва фаровон ҳаётимизни ҳимоя қилиш учун отланмоқда. Фарзандимнинг эл-юрт корига яраётганидан жуда хурсандман.

Баҳорги чақирув мавсуми уюшқоқлик билан ўтмоқда десак, муболаға бўлмайди. Қўшинларга танлов асосида саралаб олинган жисмоний ва маънавий етук ёшлар жўнатилди. Бу армиянинг жамиятдаги обрў-эътибори тобора ошиб бораётганидан далолатдир.

**Камолиддин АСҚАРОВ.**

*СУРАТДА: кузатиш маросимидан лавҳа.*

(Давоми. Боши 1-бетда).



**ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда 2005-2009 йилларга мўлжалланган дастур асосида Она ва бола ҳимояси, Болалар конвенциясининг моҳияти, эркак ва аёлларнинг гендер тенглиги мавзуларида машғулотлар ўтказмоқда.**

# КУН ТАРТИБИДА МУҲИМ МАВЗУЛАР



Ангрен шаҳрининг Озодлик, Гўзал, Янгиҳаёт маҳаллаларида бўлиб ўтган машғулотларда маҳалла оқсоқолларининг маслаҳатчилари ва фаоллар, ёш болали оналар иштирок этишди.

Амалий машғулотлар жараёнида иштирокчилар томонидан янги лойиҳалар ишлаб чиқилди. Шунингдек, халқаро ташкилот вакиллари томонидан семинар қатнашчиларига зарур кўрсатмалар берилди.



*СУРАТЛАРДА: машғулотлар пайти.*

● 2005 йил – «Сиҳат-саломатлик йили»

# МАЛАКАЛИ ТИББИЙ КЎРИК

**Паркент туманининг Гулбоғ шаҳарчасидаги 34-мактаб ва болалар боғчаси жамоасини тиббий кўрикдан ўтказиш учун ширкат хўжалиги раҳбарияти ташаббуси билан Тошкент шаҳридан малакали тиббиёт олимлари ва мутахассислари таклиф этилди.**

Педиатрия институти олимлари, шунингдек, қулоқ, томоқ, бурун хасталиклари мутахассислари, педиатр, кардиолог, кўз ҳамда тиш касалликлари шифокорлари деярли уч кун мобайнида мактаб ўқувчилари ва боғча тарбияланувчиларини тиббий кўрикдан ўтказдилар.

**Тўйчи ДЎСТМАТОВ.**

# «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» кўрик-танлови

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси биз учун энг азиз бўлмиш она-Ватан фарзандлари руҳияти, қалби ва онгида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришларини ижодий асарларда янада кенгроқ ёритиш, тасвирлаш мақсадида анъанавий «Энг улуғ, энг азиз» Республика кўрик-танловига барча ижодкорларни таклиф этади.

**Кўрик-танловга тақдим этилаётган ижодий ишларда қуйидаги мавзу, йўналишлар ёритилган бўлиши лозим:**

– Мустақиллик, озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчаларнинг талқини

– Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар жараёни ва бу борада эришилган ютуқлар

– Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг шаклланиши

– Она-Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат

– Миллий ғурур, азалий ва умумбашарий қадриятлар

– Кишилар онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришлари

– Фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган, яратувчилик йўлида изланаётган замондошларимиз қиёфаси

– Мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимлари

– Буюк истиқлол туфайли қўлга киритилаётган моддий ва маънавий неъматлар кўлами.

Кўрик-танлов ҳайъати томонидан аниқланган ғолиблар Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллиги байрами арафасида мукофотланади ва матбуотда эълон қилинади.

Танлов ғолибларини қимматбаҳо совринлар кутади.

**Ижодий ишлар икки нусхада 2005 йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси «Энг улуғ, энг азиз» Республика кўрик-танлови ҳайъати.

**Телефонлар:** 144-57-24: 144-11-64: 144-37-87.

# «ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ» – ТАДБИР ҒОЛИБИ

**Мана икки йилдирки, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари талабалари ўртасида «Замона ёшлари» анъанавий кўрик-танлови ўтказиб келинади. Ўзбекистон Миллий академик драма театрида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда бир қанча жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ушбу танловнинг вилоят босқичи якунланди.**

Минтақавий босқичларда ғалабага эришган Бекобод техника-иқтисодиёт коллежининг «Ўзбекистон ёшлари», Янгийўлдаги Халқобод қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг «Истиқлол фарзандлари», Ўртачирчиқ тумани ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежининг «Ишонч», Чирчиқ саноат касб-ҳунар коллежининг «Билимдонлар» ва Олмалиқ касб-ҳунар коллежининг «Бунёдкор ёшлари» жамоалари ўзаро беллашишди. Талабалар дастлаб, ўзлари яшаётган туман тарихи, ўқув муассасаларининг бугунги фаолияти ҳақида батафсил гапириб беришди. Иккинчи босқичда улар жаҳон, юртимиз тарихи ва маданияти, Республика Конституцияси, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ҳамда динлар тарихига оид саволларга батафсил жавоб беришди. Шунингдек, ёшларимиз бугунги кунда тенгдошлари орасида учрайдиган айрим салбий оқибатлар, турли иллатларга оид театрлаштирилган саҳна томошаларини мухлисларга ҳавола этиб, хорижий тилларда шеър, куй-қўшиқлар айтишди.

Танловда иштирокчи йигит-қизлар ўзларининг санъат, адабиёт ва бошқа йўналишларда зукколиклари, тил билиш қобилиятларини, изланувчанлик, ёшларга хос жўшқинлик, ҳар томонлама етук салоҳиятга эга эканликларини намойиш қилишди.

Шартлар бўйича «Чет тили билимдони» ва «Актёрлик маҳорати» номинациялари ғолиблигига бекободлик Динара Баратова ҳамда Раҳмон Раҳмонов муносиб топилдилар. Ўртачирчиқлик Шоҳбузрук Пиржонов «Энг билимдон талаба», чирчиқлик Шаҳноза Исломова «Энг яхши қўшиқчи» деб тан олиниб, уларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Ўзаро беллашувларда биринчиликни қўлга киритган Бекободнинг «Ўзбекистон ёшлари» жамоаси I даражали диплом, «Pentium-IV» компьютери ҳамда ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Олмалиқнинг «Бунёдкор ёшлар» жамоаси II даражали диплом, «Roison» рангли телевизорига эга бўлди. Учинчи ўринга Чирчиқнинг «Билимдонлар» жамоаси лойиқ топилди. Барча жамоалар вилоят ҳокимлиги, ташкилотлар, ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.






Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова қатнашди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

*СУРАТЛАРДА: кўрик-танлов иштирокчилари саҳнада.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**



**Вақт — ҳаққоний ҳакам. Ишларимиз, хатти-ҳаракатларимиз, «қилиқларимиз» вақт ўтиши билан тиниқлашиб, ойдинлашиб, эътироф этилади, тегишлича қадр топади ёки абадиятга унутиб юборилади...**
**Беихтиёр қирқ йилча илгариги воқеаларни эсладим. Икки гектарча тарвуз жўякларида сув милдираб оқаяпти. Тепалик томондан Қаюм ака билан Раим амаки кетмон кўтариб тушишди.**
**Қуёш қизариб, лал-лал ёнганича, ботиб борар, биз уч киши эса пайкал бошида енгил-елпи ясалган супада чойлашиб ўтирардик. Раим амаки аччиқ чойдан хўплаб, ёшликда «ўзини унутган бир бойвачча»нинг эсини қандай қилиб жойига тушириб қўйганини гапирарди. Қаюм ака қизғиш уфққа тикилганича жим. Кундузги райондаги мажлисда эшитган гап-сўзлар кудурати ҳали кўнглидан кўтарилмагани аниқ эди. Қандоқ ҳам кўтарилсин...**

# ИНСОН ИЗЛАРИ

Ўша куни райондаги йиғилишда янтоқ босиб ётган мана шу паст-баланд тепаликларни текислаб, ерига ер қўшгани учун бригадир Қаюмжон Азимов оз бўлмаса ишдан ҳайдалаёзди. Агар «биринчи» айрим тезоп нотиқларга маъноли тикилиб қўймаганида, Қаюмжон ака ишдан олинишига бир бахя қолганди.

— Қаюм Азимовни бугун таниётганимиз йўқ, — деди саркотиб салмоқланиб. — Айби — очган ерини ҳисобда кўрсатмагани. Ҳозир ўзи айтди, сув тарновдек бир бўйиндан олиб ўтилибди. Ҳосил унадими-йўқми, буёғи таваккалчилик...

— Ҳайфсан берилсин, — луқма ташлади райзо бошлиғи дўрилдоқ овоз билан. — Қаттиғи! Ҳисоб варағига ёзиш шарти билан! Кўзбўямачиликни шунда билади.

— Эр йигитликни Азимов фронтда кўрсатган, — деди чеккароқда ўтирган раис Муслим Пўлатов. — Қон кечиб жанг қилган. Обрўни стулда шим йиртиб орттирган эмас.

— Азимов ҳаммасини тушунди, — хулоса ясади саркотиб. — Майли, ҳозирча огоҳлантириш билан кифояланайлик.

...Токзор оралайман, қирқ йил илгариги воқеалар кўз ўнгимдан ўтаверади-ўтаверади. Ўша куз кези Қаюм Азимов тракторчиларни бошлаб чиқиб, Бувака адирларидан анча-мунча ерларни шудгорлатди. Эрта кўклам шу далаларга яна қовун-тарвуз экди.

## ДАРЁ УСТИДАГИ ҚИРҒИН

Қаюм ака асли камгап, одамовироқ эди. Гап-гаштакларда бироз ичишганида ҳам бошқаларнинг сўзларини жилмайибгина эшитиб ўтираверарди. Бир куни фронтдан гап очилиб қолди. Муз қоплаган дарёдан ўтиб, нариги қирғоқдаги қишлоқни эгаллаш буюрилган экан.

— Атроф кафтдек очиқ, — Қаюм ака аста сўзларди. — Шу сабаб батальонни ярим тунда ҳужумга кўтаришди. Сирғана-сирғана дарёдан ўтиб боряпмиз. У қирғоқдан муз устини прожектор нурлари сийпалаб турипти. Бир сафар йиқилиб-сурилиб бораётган батальон прожектор ёруғига тушиб қолган бўлсада, жим-житлик бузилмади. Кўрмаяптими, ухлаб қолганми, занғарилар, деб ўйладим. Йўқ, огоҳ туришган экан. Нариги қирғоққа яқинлашганимизда барча қуроллардан бирваракай ўққа тутиб қолишди, лаънатилар. Ётсанг ҳам, қочсанг ҳам ўққа учасан. Қўрқув олдинга югуртиради, десам ишонмайсиз.

Дарё устини дод-вой тутиб кетди. Тутдай тўкишди, ўзиям. Бир пайт менинг ҳам оёғим жазиллаб қолди, гуппа йиқилдим. Этигим ичи илиб, намликка тўлиб бораётганини элас-элас эслайман...

Бир пайт хушимга келсам, устимни қор босиб қолибди. Атроф зимистон. Ҳар ерда дўппайиб-дўппайиб қор босган ўликлар ётибди. Немис тилида гангир-гунгир гап-сўзлар қулоғимга чалинди. Тун пардаси ортидан уч-тўрт фриц чиқиб келди. Улар қор остида тўнпайиб ётган ўликларни ҳатлаб ўтиб, мен ётган томонга яқинлаб келишарди. Яхшиямки, хушимга келгач, думалаб-сумалаб, устимдаги оппоқ қорларни тушириб юбормаган эканман. Акс ҳолда ўкни аяб ўтиришмасди. Қўндоқ билан ҳам суробимни тўғрилаб қўйишарди. Ўртадагиси тўғри келиб, мени босиб ўтди. Четда келаётгани оёғимга қоқилди. Тишимни-тишимга қўйдим, чинқириб юбораёздим. Кучли оғриқдан яна хушдан кетибман.

Бир пайт: «Иван, сюда!» деган товуш қулоғимга чалингандек бўлди. Кимдир шинелимни бағридан тутамлаганича, мукка тушиб ётган жойимдан қўзғатишга уринарди. Бир аскар ёнимизга келди, икковлашиб мени плащ-палаткага ётқизишди-да, ўз қирғоғимиз томон судраб кетишди.

## СЎРОҚ

Яна бошқа куни Қаюм аканинг бир ҳикоясини эшитганим бор:

— Биз душманни ростакамига қувишга тушган кезларимиз эди. Лекин гоҳи-гоҳида қаттиқ қаршилик кўрсатиб ҳам қоларди, аблаҳлар. Бир қишлоқ икки-уч марталаб у қўлдан-бу қўлга ўтган кунлар ҳам бўларди. Одатда уни узил-кесил эгаллаганимизда, кўрардикки, на бирор уй бутун, на бирор жон омон. Кўча бўйлаб фақат вайроналар кўзга ташланарди.

Шундай ҳужум жангларидан бирида каттагина қишлоққа кириб бордик. Эндигина чекка уй остонасига қадам қўйишимни биламан, нариги кўчадан шарақа-шуруқ қилиб душман танклари чиқиб кела бошлади. Мен билан ёнма-ён югуриб келаётган баъзи йигитлар ўзларини панага олишга улгуришди, баъзилари ўқ остида қолишди. Мен беихтиёр ўзимни йўлакка урдим. Хоналарни зир айланиб чиқдим, ошхонада ертўла эшигини илғаб қолдиму, тахталарни кўтариб, зинадан пастга отилдим.

Зимистон бир ертўла. Қоронғуликка кўзим ўргангач, бир чеккага чамаси икки-уч тонна картошка уйиб қўйилганини пайқадим. Шу асднода юқорида дўпиллаган оёқ товушлари, у ёқ-бу ёқ сурилаётган каравот ва столлар овози эшитилди. Немисча гаплар. Очиғини айтсам, этларим музлаб кетди, демак фашистлар қишлоқни қайта эгаллашибди. Энди дам олиш учун жойлашишаяпти. Буёғи нима бўлди? Улар ертўла билан қизиқиб қолишсачи?

Ҳар эҳтимол ертўлани зир айланиб, паналаниш учун бирон ишончлироқ жой қидирдим. Таппа картошка устига ўзимни ташладим. Мудроқ босдими, ухладимми, билмайман. Юқорида ертўла эшигини кўтаришга уринишаётганини сезиб қолдим. Картошка уюми ортига, бурчақдаги чуқурроқ жойга тушиб олдим. Айни шу пайт ертўла эшиги кўтарилди. Немиснинг ғулдураган қулоғимга чалинди. У атрофни пайпаслаб, картошка уюмига яқинлашиб келди. Уни кўрмасдим, фақат нимадир тапиллаганини сездим. Афтидан немис идишга картошка соларди. Яна бир бор ертўлага тушиб, тоғорагами, пақиргами тарақлатиб картошка тўлдиришди. Кўп ўтмай юқоридан қайнатилаётган картошка ҳиди кела бошлади, шунда сездимки, ниҳоятда очиққанман. Кўнглим беҳузур бўлиб кетди.

Ертўлада қанча ётдим, билмайман. Вақт ҳисобини ҳам йўқотиб қўйдим.

Бир пайт олисроқда гумбурлаб бомба портлагандек бўлди. Ер зириллаб кетди. Тепада дукир-дукир бошланиб қолди.

Қаердан куч пайдо бўлди, билмадим, лекин ҳуд-беҳуд ётган жойимдан судралиб чиқдим. Бир пайт хушимга келсам, уй йўлагида бир алфозда ётибман. Кўчадан одамлар у ёқ-бу ёққа югуриб ўтишаяпти. Гоҳи татарча, гоҳи русча гаплар эшитилиб қолади.

Қани энди, яна бироз судралиб борсаму, кўчага чиқсам. Яна хушимдан кетибман. Қанча вақт ўтди, билмадим. Ўзимга келсам, қаттиқ силкиниб бораяпман. Билдимки, аравага ётқизиб, олиб кетишаяпти.

Қир этагида, шундайгина йўл четида чўзилиб ётган ярадорлар ёнида тўхтадик. Ўн-ўн беш аскар шоша-пиша палаткаларни тиклашаяпти, йўл-йўлакай оғзимга нимадир қуйишганми, жисмим илинқираб, мадор пайдо бўлибди. Қимирлаб бошимни кўтаришимни биламан, нарироқдаги машиналар ортидан сумкасини ёнбошига босганича, ҳамшира югургилаб келди. Ротамиз ҳамшираси. У бошимни кўтарди:

— Ҳозир палаткага оламиз. Беш кун сени қидирмаган жойимиз қолмади. Фриц қўлига тушдингми ҳам деб, ўйладик. Чўнтакларинг ғажиб ташланган хом картошкаларга тўлиб кетибди-я...

Эртаси тонг маҳали палаткамизга бир офицер кириб келди. Менга узоқ, синчков назар ташлади. Даб-дурустдан:

— Аввалги ҳужум чоғида қаерда қолдинг? — деб сўради.

Эслаганларимни гапириб бердим. Сўзларимга ишонмаётгани шундоққина сезилиб турарди.

— Ўша уйни кўрсата оласанми?

— ...

— Қуролинг қани?

— ...

Шу куни пешинда офицер яна келди, узоқ сўраб-суриштирди.

— Қайси қишлоқни, қайси уй ертўласини кўрсатай?

Офицер чиқиб кетаётиб, бир оғизгина сўз айтди:

— Отиласан!

Яна хушимдан кетдим. Бир пайт қарасам, ҳамшира тепамда турибди. Қўлида буғ таратиб турган картошкалар.

— Каюмчик, мана картошка қовуриб келдим, озгина егин, ертўлада бу матоҳдан жуда кўп.

— Қайси ертўлада? — мен ўрнимдан даст туриб кетдим. — Кўрсат ўша уйни.

Аммо, Наташа ҳоли-жонимга қўймай, овқатни едирди. Айни ўша аснода офицер яна палаткамизда пайдо бўлди. Эшитганларимни ҳарбий терговчиға айтдим. Унга ҳам жон киргандек бўлди, мени машинага ўтказиб, йўлга тушди. «ЭМКА» бир қишлоққа кираверишда тўхтади. Ўша уй! Аскарлар ертўлага тушиб, кўп ўтмай, чамбарак қилиб ўралган шинелим, автоматимни, пачоқ бўлиб кетган қуруқ сувдонимни олиб чиқишди.

## ТИҒИЗЛИК

Қаюм Азимов Олий кенгаш депутатлигига сайланган йиллари, айни пишиқчилик пайти эди. Силос бостириш билан овора бўлибми, сабзавот, қовун-тарвуз топшириш тўхтаб қолган. Хўжалик раҳбарларини районга чақиришди. Раис ўзини бетобликка олди, бормади. Бош ҳосилот Қаюм Азимов район катталарига рўпара бўлди. Муҳокама кескин тус олди.

— Депутат бўлдим деб-а? — бошқарма бошлиғи дўриллади. — Иш ўзи кетаверади, мажлисларда, учрашувларда ялло қилиб юрсам бўлаверади, деб ўйладингми, Азимов? Ҳосили йўқ буни далада. Сабзиси ҳам йўқ.

Боядан бери жим ўтирган биринчи котиб Акром Алимов бошқарма бошлиғига норози бир қиёфада кўз ташлади.

— Қаюмжон, ҳосил борми, ўзи? — сўради у.

— Кўп, жуда кўп.

— У ҳолда гап нимада?

— Машина йўқ. Ҳаммаси силосда, бугун-эрта босиб тугатмасак, вақтни бой берамиз.

— Нечта машина керак?

— Икки-уч кунга берсангиз, 30-40 та машина етади.

Бошқарма бошлиғи «гапини қаранг-а, бунинг» дегандек энсаси қотиб, Акром Пўлатовичга кўз қадади.

— Қачон юборайлик? — деб сўради.

— Икки-уч соат ичида тарвузларни ортиш мумкин. Саксон-юз машина чиқади. Эртага эрта билан помидорларни жўнатсак бўлади. Бир сидра терсак, 100 тоннадан ошади, — шундай деди-да Қаюм ака бошқарма бошлиғига бир қараб қўйди. — Эртага, кечга бориб, ўн-ўн беш машина сабзи ҳам жўнатишимиз мумкин...

— Қаюмжон, сиз бораверинг, — деди Алимов. — Уч-тўрт соатга қолмай, машиналар етиб боради...

Кейинчалик давралардаги гурунглар вақтида ўша воқеалар эсланиб қолса, Қаюм ака ҳикоясини шундай якунларди:

— Райондан тўғри мактабга келдим, директор Аъзам Аҳмедов билан гаплашдим. Ўқитувчилар тарвуз узишга, ўқувчилар помидор теришга тушиб кетишди. Уларга идорада ўтирган ҳисобчиларни қўшдим. Бу борди-келдилардан хабар топишганми, чойхонани тўлдириб ўтирган ўн-ўн беш чоғли чоллар ҳам тарвуз полизига етиб боришди.

Пайкалларда ишларни ташкил қилиб, энди Далигузарга чиққан эдим ҳамки, тепа томондан ҳарбий юк машиналари қатор бўлиб тушиб кела бошлади. Ҳар бирида олти-етти аскар.

Олдинги машина ёнимда тўхтади. Қишлоғимизга бот-бот келиб, шийпонларда ўзимиз меҳмон қиладиган капитан Алексеев мен билан сўрашиб:

— Тарвузхўрликка келдик, — деди кулимсираганча.

— Помидор ҳам пишган, — мен ҳам кулдим. — Газагига етади. Сабзи ҳам сероб, ош ҳам дамлаймиз.

Йўл усти бамисоли дала штабига айланди. Келаётган машиналарни бригадаларга тақсимладик. Сўнгги машина тепадан тушиб келаётганида, тарвуз ортилган дастлабки карвон қишлоқдан чиқиб борарди. Уч кунда 460 тонна маҳсулот топширганмиз, ўшанда.

## ЛАТИФАНАМО ВОҚЕА

Тошкентда ер қимирлаган йил кузи эди. Нима бўлди-ю, шанба куни чойхонага чиқдим. Шу пайт даладан Қаюм ака терлаб-пишиб келиб қолди. Наср домла пиёлани тўлдириб, чой узатди:

— Қаюмжон, қўлингиз бирам баракали, бирам баракали эканки, кечаги берган 200 кило тарвузингизни уйга олиб борсам, айвон тўлди, ҳовлига туширдик, ака-укаларимдан ҳам ортиб, маҳала болаларига тарқатдик. Билсангиз, Бўржарда тарвуз кирмаган хонадон қолмади.

Бу ҳангоманинг сабаби нимада эканлигини Сайдалихон ака менга тушунтирди. Уч кун илгари Наср домла хўжаликдан 200 кило тарвуз ёздириб, Қаюм акага учраган экан, «машинангизни олиб келаверинг» дебди. Эртасига Хирмонтепада тупроқ ташиётган бир КРАЗ ҳайдовчиси ёнига ўтириб, домла шийпонга борибди. Қаюм ака қаёққадир отланаётган экан. Мана, ортиб кетаверинг дебдида, шундайгина шийпон ёнидаги тарвуз хирмонларига ишора қилибди. Ўзи отига қамчи босиб, қаёққадир кетибди.

Шу десангиз, домла машинани икки хирмон ўртасига қўйдириб, шофёр билан тарвуз орта бошлашибди. Шом пайти машинани тўлдириб, пайкалдан чиқишибди.

— Бу, домлагинангнинг соддафаҳмлиги ҳеч қолмади-қолмади-да, — ҳикоясига якун ясади Сайдалихон ака. — Камида беш тонна тарвузни олиб кетибди-ю, Қаюмжонга 200 кило тарвуз баракасидан гапирганига кулайми?

***Инсондан бу ёруғ дунёда уч нарса қолади: биринчиси — қилган амаллари; иккинчиси — фарзандлари; учинчиси — ёру-дўстлари.***

***Биринчи жиҳат — инсон боласининг номини унинг меҳнатлари, бажарган ишлари, қилган амаллари туфайли бу дунёда муҳрлаб қолдиради.***

***Иккинчи жиҳат — одам боласининг насл-насабини фарзандлари ҳаётида давом эттиришга имкон туғдиради ва улар ота-онанинг яхши амалларини, муборак номларини ўз фарзандлари хотирасига сингдириб ўтаверадилар. Шу тариқа аждодлар ҳақидаги ҳикоялар авлоддан-авлодга ўтиб бораверади, инсон умрбоқийликка эришади.***

***Учинчи жиҳат — ёру-дўстлар инсоннинг яхши амалларию, муборак номини бир умр алқаб ўтадилар. Уларнинг қутлуғ хотиралари тилдан-тилга, авлоддан-авлодга ўтиб, ибратли бир қиссага айланади.***

***Уруш қатнашчиси, таниқли деҳқон Қаюм Азимовнинг ҳаёти ҳар уч жиҳатдан ҳам тўла-тўкис бўлди. Гоҳи қоқилди-сурилди, урилди-сурилди, лекин ҳеч қачон тоб ташламади, ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтди, эл-юртда ўзидан яхши ном, қутлуғ бир хотира қолдирди.***

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**Зангиота тумани, Қатортол қишлоғи.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларининг қарорлари ва ҳукмига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун-қоидаларини бузиб, ноқонуний, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилишини

# ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

1. «ГАЗ-69» русумли автомобил, давлат рақами 11 Р 06 78, техник носоз, **бошланғич нархи — 200 000 сўм.**
2. «УАЗ-3303002» русумли автомобил, давлат рақами йўқ, техник носоз, **бошланғич нархи — 100 000 сўм.**
3. «ГАЗ-5312» русумли автомобил, давлат рақами 80 60 ТШР, техник носоз, **бошланғич нархи — 150 000 сўм.**
4. «ВАЗ-21033» русумли автомобил, давлат рақами 30 D 13 76, техник носоз, бошланғич нархи — 500 000 сўм.

**Кимошди савдоси 2005 йил 11 май куни соат 11.00 да ўтказилади.**

1. «ИЖ-2715» русумли автомобил, давлат рақами 11 Р 00 62, техник носоз, **бошланғич нархи — 150 000 сўм.**
2. «ГАЗ-31029» русумли автомобил, давлат рақами 10 Р 18 68, техник носоз, **бошланғич нархи — 1 000 000 сўм.**
3. «ВАЗ-2106» русумли автомобил, давлат рақами 11 J 14 24, техник носоз, **бошланғич нархи — 750 000 сўм.**
4. «ГАЗ-51» русумли автомобил, давлат рақами 11 Е 94 30, техник носоз, **бошланғич нархи — 300 000 сўм.**
5. «ЗАЗ-968» русумли автомобил, давлат рақами 10 Y 48 15, техник носоз, **бошланғич нархи — 100 000 сўм.**
6. «УАЗ-451» русумли автомобил, давлат рақами 30 Е 52 73, техник носоз, **бошланғич нархи — 500 000 сўм.**
7. «ГАЗ-69» русумли автомобил, давлат рақами Л 39 54 ТН, техник носоз, **бошланғич нархи — 200 000 сўм.**
8. «ВАЗ-2101» русумли автомобил, давлат рақами 10 V 50 22, техник носоз, **бошланғич нархи — 300 000 сўм.**

**Кимошди савдоси 2005 йил 31 май куни соат 11.00 да Судлар департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлимида — Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қаватида ўтказилади.**

Кимошди савдосида қатнашадиган корхоналар, фуқаролар бошланғич нархнинг 10 фоиз миқдорида тўлов тўлаб қатнашишлари мумкин.

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиш Тошкент туман ЖИБ судининг биносида ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар давом этади, кимошди савдоси ўтказиладиган кундан 3 кун олдин ариза қабул қилиш тўхтатилади.

**Манзил:** Тошкент тумани, К. Ғафуров кўчаси, 10-уй, 1-қават, 5-хона.

**Маълумот учун телефонлар:** 152-73-43, 53-08-78, (8-296) 53-718.

# ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

# «Respublika Ko`chmas mulk birjasi Toshkent viloyati bo`limi» МЧЖ

**Сизларни 2005 йил 31 май куни соат 12.00 да «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati bo'limi» МЧЖ савдолар залида ўтказиладиган навбатдаги бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

1. Янгийўл шаҳар ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Янгийўл шаҳар, Н.Ниёзов маҳалласи, Яккатут кўчасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектардан бўлган 12 та ер майдони.
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 74 448 сўм.**
2. Чиноз тумани ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Чиноз тумани, Янги Чиноз қўрғони, Самарқанд кўчасида жойлашган, сатҳи 0,0416 гектар бўлган ер майдони.
**Бошланғич баҳоси — 36 608 сўм.**
3. Чирчиқ шаҳар ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Чирчиқ шаҳар, Бунёдкор тор кўчасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектардан бўлган 2 та ер майдони.
**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 241 648 сўм.**

Ушбу ер майдонлари савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Ушбу сотувга қўйилган ер майдонлари сотилмаган тақдирда 2005 йил 7, 14, 21, 28 июнь ва 5, 12, 19, 26 июль кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган аукцион савдоларига қайта қўйилади.

Бундан ташқари, олдинги аукцион савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. 5-қават, 52-хона. **Телефон:** 133-28-52, факс: 133-43-73.

# «Тошкент вилояти автосаройи» ОАЖнинг 2004 йилги фаолияти якунлари бўйича ҳисобот мажлиси 2005 йил 27 май куни эрталаб соат 9.00 да Автосарой мажлислар хонасида ўтказилади

## Ҳисобот мажлисининг кун тартиби:

1. «Тошкент вилояти автосаройи» ОАЖнинг 2004 йил фаолияти якунлари ва 2005 йилги вазифалар.
2. Тафтиш комиссияси ҳисоботи.
3. Акциядорлик жамиятининг йиллик ҳисоботини, баланс, тафтиш комиссияси ва аудитор далолатномасини тасдиқлаш.
4. 2005 йилга бизнес режани тасдиқлаш.
5. Соф фойдани тақсимлаш, дивиденд миқдори ва уни тўлаш тартиби.
6. 2005 йилга жамият аудиторини тасдиқлаш.
7. Автосарой кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида.
8. Автосарой ОАЖ ва унинг раиси фаолиятини баҳолаш.

## «Тошкент вилояти автосаройи» ОАЖнинг 2004 йилги баланси

| | 01.01.2005 йил ҳолатига | |
|---|---|---|
| | **АКТИВ** | **ПАССИВ** |
| 1. Асосий воситалар | 83047,5 | |
| 2. Номоддий активлар | 26488,9 | |
| 3. Устав капитали | | 88190,0 |
| 4. Қўшилган капитал | | 58934,3 |
| 5. Резерв капитали | | 1791,5 |
| 6. Ишлаб чиқариш заҳиралари | 14057,5 | |
| 7. Пул маблағлари | 601,6 | |
| 8. Дебиторлар | 82703,7 | |
| 9. Тақсимланмаган фойда | | 11169,2 |
| 10. Мажбуриятлар | | 46814,2 |
| **БАЛАНС** | **206899,2** | **206899,2** |

Муҳим фактлар тартиб рақами 07.
Акциядорларнинг реестр рўйхати 2005 йил 27 апрель ҳолатига ёпилган.

# ОАО «ТОШВИЛСУВОҚАВА»

## Баланс за 2004 год

| Наименование | Сумма (тыс. сум) | Наименование | Сумма (тыс. сум) |
|---|---|---|---|
| **Актив** | | **Пассив** | |
| 1. Основные средства | 7974455 | 1. Уставный капитал | 6155696 |
| 2. Ценные бумаги | 3686 | 2. Добавленный капитал | 979146 |
| 3. Капитальные вложения | 258 | 3. Резервный капитал | 919470 |
| 4. Производственные запасы | 391963 | 4. Нераспределенная прибыль | 187879 |
| 5. Расходы будущих периодов | 387516 | 5. Целевые поступления | 146477 |
| 6. Расчеты с покупателями и заказчиками | 2127561 | 6. Поставщики и подрядчики | 1818763 |
| 7. Задолженность дочерних и зависимых хоз. обществ | 36448 | 7. Задолженность дочерним и зависимым хоз. обществам | 227249 |
| 8. Авансовые платежи | 54571 | 8. Полученные авансы | 50580 |
| 9. Расчеты с бюджетом | 46455 | 9. Задолженность по бюджету | 195324 |
| 10. Денежные средства | 186802 | 10. Задолженность по страхованию | 35478 |
| 11. Прочие дебиторы | 137857 | 11. Задолженность по внебюджетным платежам | 126395 |
| | | 12. Задолженность по оплате труда | 321244 |
| | | 13. Прочие кредиторы | 183851 |
| **Всего по активу баланса** | **11347570** | **Всего по пассиву баланса** | **11347570** |

**Достоверность баланса подтверждена аудиторской фирмой «АККО», лицензия № 00233 от 16 октября 2001 года**

**Финансовые результаты за 2004 год**

| Наименование | Доходы (тыс. сум) | Расходы (тыс. сум) |
|---|---|---|
| Чистая выручка от реализации продукции | 8140289 | - |
| Себестоимость реализованной продукции | - | 6736068 |
| Валовая прибыль от реализации продукции | 1404221 | - |
| Расходы периода | - | 1486725 |
| Прочие доходы от основной деятельности | 45182 | - |
| Доходы и расходы от финансовой деятельности | 4872 | 4376 |
| Прибыль (убыток) от основной деятельности | - | 37233 |
| Прибыль (убыток) от общехозяйственной деятельности | - | 36826 |
| Налог на прибыль и прочие отчисления | - | 162118 |
| Чистая прибыль (убыток) отчетного периода | - | 198944 |

# Годовой отчет ОАО «O'ztemiryo'lkonteyner» за 2004 год

**1. Общие сведения**

| Наименование | |
|---|---|
| Почтовый адрес | 700060 г.Ташкент ул. Шевченко, 7 |
| Телефон | 136-26-59; 138-88-77; 59-60-80 |
| Руководитель | Юсупов Ахат Ахмеджанович |
| Наименование реестродержателя | ООО «TAT-REESTR» |
| Депозитарий | |
| Аудитор | ООО «Назар-аудит» |

**2. Отчет руководителя**

| Наименование | |
|---|---|
| Отчет руководителя эмитента о результатах финансово-хозяйственной деятельности за отчетный год. | В отчете председателя правления о результатах финансово-хозяйственной деятельности ОАО «O'ztemiryo'lkonteyner» изложена работа филиалов и предприятия в целом по итогам 2004 года. После уплаты налогов чистая прибыль остающаяся в распоряжении предприятия составила 1.341.785 тыс.сум. |

**3. Сведения об изменениях в персональном составе должностных лиц**

| Должность | Изменение |
|---|---|
| 1. Председатель наблюдательного совета | Джалалов Фархад Салимджанович |
| 2. Члены наблюдательного совета | Рахимов Х.К., Орлова Р.М., Камалиддинова Ш.Х., Ширинбаев Б.Р., Гафуров Х.Л., Валиев Т.А. |
| 3. Председатель правления | Юсупов Ахат Ахмеджанович |
| 4. Заместители Председателя правления | Садыков Сурат Махамадсадыкович; Раджабов Эркинжон Нигматович; Халисов Мурат Адылович |
| 5. Главный бухгалтер | Ковалева Ольга Викторовна |

**4. Бухгалтерский баланс**

| Наименование показателей | № стр. | На отчетный период | |
|---|---|---|---|
| **Актив** | | **2003 год** | **2004 год** |
| Основные средства | 012 | 975404 | 1588803 |
| Нематериальные активы | 022 | 18877 | 20048 |
| Капитальные вложения | 100 | 969950 | 840832 |
| Акции в дочер. и ассоциированных предприятиях | | | |
| Прочие активы | | | |
| Долгосрочные инвестиции | 030 | 59337 | 58814 |
| Итого долгосрочных активов | 130 | 2023568 | 2508497 |
| Производственные запасы | 140 | 137802 | 123058 |
| Незавершенное производство | | | |
| Готовая продукция | | | |
| Денежные средства | 320 | 161856 | 162577 |
| Расходы будущих периодов | 190 | 445 | 334 |
| Расходы с покупателями и заказчиками | 220 | 37038 | 101372 |
| Авансовые платежи | 260 | 59437 | 18796 |
| Расчеты с бюджетом | 270 | 8948 | 78072 |
| Расчеты с учредителями | | | |
| Прочие дебиторы | | 3336294 | 4209704 |
| **Итого оборотных активов** | **390** | **3741820** | **4693913** |
| **Всего по активу баланса (130+390)** | **400** | **5765388** | **7202410** |

| Наименование показателей | № стр. | На отчетный период | |
|---|---|---|---|
| **Пассив** | | **2003 год** | **2004 год** |
| Уставный капитал | 410 | 3366271 | 3366271 |
| Добавленный капитал | | | |
| Резервный капитал | 430 | 55802 | 634628 |
| Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток) | 450 | 1511284 | 1689994 |
| Целевые финансирования | 470 | 57504 | 497256 |
| Доходы будущих периодов | | | |
| Итого собственных средств | 480 | 4990861 | 6188149 |
| Долгосрочные займы | | | |
| Долгосрочные кредиты | | | |
| Краткосрочные займы | | | |
| Авансы полученные | 670 | 108225 | 522435 |
| Задолженность по бюджету | 680 | 401572 | 49112 |
| Задолженность по оплате труда | 720 | 93241 | 81401 |
| Задолженность по внебюджетным платежам | 700 | 83119 | 1784 |
| Прочие обязательства | | | |
| Прочие кредиторы | 760 | 88370 | 359529 |
| **Итого обязательств (490+600)** | **770** | **774527** | **1014261** |
| **Всего по пассиву баланса (480+770)** | **780** | **5765388** | **7202410** |

**5. Информация о финансовых результатах ОАО (счет прибылей и убытков)**

| Показатель | Доходы | | Расходы | |
|---|---|---|---|---|
| | **2003 год** | **2004 год** | **2003 год** | **2004 год** |
| 1. Выручка от реализации продукции (услуг) | 6762968 | 7452113 | | |
| 2. Производственная себестоимость | | | 4669587 | 3273462 |
| 3. Валовой финансовый результат от реализации | 2093381 | 4178651 | | |
| 4. Финансовый результат (прибыль или убыток) от основной деятельности | 2093381 | 4178651 | | |
| 5. Финансовый результат (прибыль или убыток) от общехозяйственной деятельности | 1333819 | 3208176 | | |
| 6. Чистая прибыль (убыток) | 881987 | 1341785 | | |

**6. Отчет аудитора и ревизионной комиссии о финансовом состоянии ОАО**

| Наименование | |
|---|---|
| 1. Наименование аудиторской фирмы (адрес, тел) | ООО «Назар аудит» г.Ташкент, Мирзо-Улугбекский р-он, ул. Сайрам, 92, телефон: 158-09-41. |
| 2. Номер и дата выдачи лицензии | № 505 от 16.01.03 г. |
| 3. Дата выдачи аудиторского заключения | 19 апреля 2005 года |
| 4. Отчет аудитора | Положительное |
| 5. Дата выдачи заключения ревизионной комиссии | 25 апреля 2005 года |
| 6. Заключение ревизионной комиссии | Положительное |




## РОССИЯ:
## ПАНАДАГИ ГЕКСОГЕН

Пайшанба куни Ингушетиянинг Малгобек шаҳрида Россия Ички ишлар вазирлиги ҳамда Федерал хавфсизлик хизмати ходимлари 45 килограмм гексоген яширилган махфий жойни фош этдилар. Мазкур портлатгич шаҳар кўчаларидан биридаги хусусий гараждан топилди. Ингушетия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакилининг айтишича, бу ерда, шунингдек, маркировкаланмаган мина ва турли колибрдаги патронлар ҳам топилган.

## УКРАИНА:
## ҲАЛИ ИШЛАР КЎП

Украинада ҳукумат ўзгаргач, раҳбарлик лавозимларидаги 18 минг киши алмаштирилди, деб баёнот берди Виктор Ющенко. Шу билан бирга, давлат раҳбарининг айтишича, «таълим, тиббиёт, ички ишлар вазирликлари ҳамда Украина хавфсизлик хизмати ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг бари алмаштириб улгурилмагани боис, бу борада қилинадиган ишлар ҳали жуда кўп».

## ИРОҚ:
## БАҒДОДДА ПОРТЛАШЛАР

Кеча эрталаб Бағдодда юз берган бир қатор портлашлар оқибатида камида 17 киши ҳалок бўлди ва 67 киши жароҳатланди. Ўлганлар орасида 7 нафар ироқлик жангчи ва полициянинг беш зобити бор. Шаҳар шимолий қисмида ўн беш минут фарқ билан тўртта портлаш рўй берди. Уларнинг бари миналаштирилган автомобиллар ёрдамида амалга оширилиб, ҳарбий патрулларга мўлжалланган.

## ИТАЛИЯ:
## ЯНГИ ҲУКУМАТ ТАСДИҚЛАНДИ

Пайшанба куни Италия парламентининг юқори палатаси янги ҳукумат таркибини маъқуллади. Ҳудудий сайловларда ҳукмрон партия қақшатқич муваффақиятсизликка учрагач, бир ҳафта давом этган сиёсий инқирозга шу тариқа барҳам берилди. Бош вазирнинг янги ҳукуматини ёқлаб 170 сенатор овоз берди ва фақат 11 сенаторгина қарши чиқди.


АҚШнинг осмонўпар бинолари.

● *Шарҳловчи минбари*

# ЕВРОПАРЛАМЕНТДА ОРОЛ МУАММОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

**Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси ва Европарламентнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар делегацияси ҳамкорлигида Брюсселда ташкил қилинган тақдимот маросими «Орол инқирози – замонамизнинг глобал фожеаси» деб номланди. Ундан кўзланган мақсад Европа парламенти аъзолари ва кенг жамоатчилик вакиллари эътиборини Орол муаммосига кенгроқ жалб қилишдан иборат эди.**

Европа парламенти «Поливалент» залида унинг депутатлари, Европа ҳамжамиятлари комиссияси масъул ходимлари, Брюсселда аккредитациядан ўтган хорижий давлатлар элчилари, Европа гуманитар ва ноҳукумат ташкилотлари, илм-фан доиралари вакиллари тўпланишди.

Тадбирда сўзга чиққан Европарламентнинг Буюк Британиядан депутати Ч.Таннек бир вақтлар ўз ҳажми бўйича дунёдаги тўртинчи ёпиқ сув ҳавзаси ҳисобланган Орол денгизи сўнгги йилларда замонамизнинг йирик экологик инқирози тимсолига айланганини афсус билан қайд этди. У Европа Иттифоқи Орол денгизини барқарорлаштириш дастури донорларидан бири бўлишига қарамасдан халқаро ҳамжамият Оролбўйи муаммоларини ҳал қилишга муносиб улуш қўшиши зарурлигини қайд этди.

Европарламентнинг Литвадан депутати, Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар делегацияси раҳбари О.Юкневичиене Орол денгизи муаммоси мувофиқлаштирилган халқаро ҳаракатларни талаб қилаётгани, Оролбўйи минтақасини тиклашга ЕИ ва бошқа халқаро донорлар молиявий ва техникавий ёрдам кўрсатиши кераклигига эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатори, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ф.Абдураҳимова тақдимот маросими иштирокчиларини янги икки палатали парламентнинг экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган фаолияти ҳақида ахборот берди ва ҳамкасбларини бу борада ҳамкорлик қилишга чақирди. Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчиси В.Норов йиғилганларга Ўзбекистон ҳукумати томонидан Орол инқирози ижтимоий оқибатларини енгиллаштириш йўлида қўйилаётган амалий қадамлар ва амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Тақдимотда Орол денгизи генофондини ҳимоя қилиш жамоатчилик меҳр-мурувват жамғармаси томонидан суратга олинган ҳамда Орол инқирози экологик ва ижтимоий оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди. Шундан сўнг Қорақалпоғистоннинг «Бахши ва Жирау» ансамбли иштирокчилари фольклор ашулалар дастурини намойиш этишди. Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент фотография уйи томонидан Орол денгизи мавзусида ташкил қилинган фотокўргазма тақдимот иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Европарламентнинг Польшадан депутати Й.Пиниор берган интервьюда Орол инқирози нафақат Ўзбекистон муаммоси, балки бутун халқаро ҳамжамиятга тегишли эканини айтди.

Европарламентнинг Буюк Британиядан депутати С.Стивенсон Орол инқирози Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига собиқ СССРдан мерос қолган йирик экологик фожиа эканини таъкидлар экан, Ғарбдаги кўплаб кишилар Оролнинг қуриб қолиши оқибатлари ҳақида тўла тасаввурга эга эмаслигини тан олди.

**Жамшид МУТАЛОВ,**
**«Жаҳон» АА,**
**Брюссель.**

Турфа олам

## ОҚТУМШУҚ ОМОН ЭКАН



Шу кунларда қирилиб кетган деб ҳисоблаб келинаётган Оқтумшуқли қирол қизилиштони яна Арканзас ўрмонларида пайдо бўлди. Бу қушни сўнгги марта 1944 йилда кўришган экан. Энди эса, орадан 60 йил ўтиб, 2004 йилнинг бошида у яна инсон назарига тушди. Гувоҳлар эътирофига кўра, уни бир пайтнинг ўзида бир неча жойда учратишган. Оринтологлар бу қувончли воқеадан жаҳон аҳлини огоҳ этмоқдалар.

## ЎҒРИЛАНГАН ҚЎЛЁЗМАЛАР



Москвада Россия адабиёт ва санъат давлат архивидан Александр Блок дастхати битилган варақлар ўғирлаб кетилган. Архив директорининг милиция вакилларига ҳикоя қилиб беришича, бу ерда ўтказилган қайта рўйхатга олиш пайтида, 1997 йилдан 2005 йил 7 апрелигача дастхатли икки жилддан шоир қўли билан ёзилган 16 варақ йўқолгани маълум бўлган. Милиция ўғрилик тафсилотларини аниқламоқда.

## НОРОЗИЛИК БОИСИ



Австриядаги қурилиш ашёлари билан савдо қилувчи bau Max дўконлар тармоғи кутилмаганда истеъмолчилар қаҳру ғазабига дуч келди. Гап шундаки, ўз каталогида асбоб-ускуналар сақланадиган йиғма блокни компания Маутхаузен шаҳри шарафига унинг номи билан атаган. Маълумки, уруш йиллари бу шаҳар ёнида нацистлар концлагери жойлашганди. Компания барча мижозлардан кечирим сўраб, тарқатилган минглаб каталогларни қайта йиғиштириб олди. Маҳсулот эса бошқа атама билан қайта номланади.

Турфа олам

*(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).*

● Сарчашмалар

# «ТЎРҒАЙ» АНДИЖОНГА БОРАДИ

**Илгари хабар қилганимиздек, Чирчиқ шаҳрида фольклор-этнографик жамоалари кўрик-фестивалининг вилоят якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Оққўрғон тумани маданият ва спорт бўлимининг «Тўрғай» фольклор дастаси «Фўта солай» удуми дастурининг ижроси учун ғолиб деб топилди. Энди ушбу даста фольклор-этнографик жамоаларининг Андижон шаҳрида ўтадиган республика VII анъанавий кўрик-фестивалида Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилади.**

«Тўрғай» фольклор-этнографик дастаси «Тўш қайтарар», «Беш қарсак», «Қиз қувди», «Фўта солай», «Йилбоши сайиллари» сингари халқимиз урф-одатлари, унутилиб бораётган маросимларини тўлақонли, табиий, халқона қилиб кўрсатишга ҳаракат қилаётган иқтидорли жамоалардан ҳисобланади.

... Оққўрғоннинг кўҳна қўрғонларидан Олимкентда 3-умумтаълим мактаби бор. Ана шу масканда кўп йиллардан буён Элмурод Ёрмуҳамедов мусиқа муаллими бўлиб ишлайди. У камтар, камсуқум, ўз ишининг билимдони. Қачон қараманг, атрофида мусиқа ўрганишга, қўшиқ айтишга ихлосманд ўқувчилар, ёш-яланглар ғужғон ўйнагани-ўйнаган. Бу тиниб-тинчимас инсоннинг энг яхши хислатларидан бири ҳеч кимни ноумид қилмаслигидир. Иқтидорли болаларни тезда илғай олади. Уларни мактаб бадиий ҳаваскорларидан тузилган «Камалак» дастасига жалб этади. «Камалак»нинг ўзига хос довруғи вилоятимиздаги бадиий ҳаваскорлик дасталари орасида жуда баланд. Бугунги кунда «Тўрғай» фольклор-этнографик дастасининг юкини кўтариб келаётган ёшларнинг аксарияти ана шу бадиий ҳаваскорлик ансамблининг «полапонлари»дир.

Ҳарқалай, «Камалак»нинг собиқ аъзоларидан бири Алишер Қурбонов Олимкентдаги қишлоқ клубига ишга келди-ю, Оққўрғон тумани маданият ишлари бўлими мудири Қудрат Мақсудовнинг ороми ҳам, тинчи ҳам бузилди. Ҳадеганда, «уни олиб беринг, буни олиб беринг, фалончи билан гаплашиб кўрайлик, ёрдам берармикан?» сингари илтимослар кўпайгандан-кўпайиб борарди. Тағинам Қудрат аканинг сабр-бардошига балли. Хуллас, тарқоқ ҳолга келиб қолган «Тўрғай» оилавий дастаси тиниб-тинчимас муаллима Маъфират Қурбонова, Қудрат Мақсудов, Ботир Мирзаев ва ниҳоят бир сўзли, ўжар Алишер Қурбоновларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли оёққа туриб олди.

Одатда фольклор-этнографик дасталари асосан кўпни кўрган момолару боболардан тузилган бўларди. Бу анъанага зид ўлароқ «Тўрғай» жамоаси асосан ёш, истеъдодли йигит-қизлардан ташкил топганлиги билан ҳам қадрлидир. Ботир Мирзаев, Ҳайдар Мақсудов, опа-сингил Сайёра ва Салима Қурбонова, Бекзод Машрапов, Фотима Абдупаттоева, Муҳайё Султонова, Абдулла Сафаров, Шерали Турғунов каби турли касб эгаларининг бу борадаги самарали иштироки фикримизнинг далилидир.

«Тўрғай» фольклор дастаси айни кучга тўлган, ҳар қандай муаммоларни тез ҳал қила оладиган жамоалардан бирига айланган. Шу кунларда жамоа аъзолари қўлни-қўлга бериб, янги дастурларни тайёрлаш борасида жўшқин меҳнат қилмоқдалар.

**Шавкат ТУРОБ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●

# КОЛЛЕЖДА САЛОМАТЛИК КУНИ

**Вилоятимизда ўсиб келаётган ёш авлодни маънан етук, жисмонан бақувват қилиб тарбиялашга жиддий эътибор қаратиляпти ва бу борада турли мусобақалар ҳамда спартакиадалар ўтказиб келиняпти.**



Тошкент туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежида ҳам учинчи анъанавий «Саломатлик куни» спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда ўқув муассасасининг барча 24 гуруҳидан 600 дан ортиқ талаба иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар номи аниқланди.

Спортнинг енгил атлетика, ядро ирғитиш, арқон тортиш ва тош кўтариш турларидан ўтказилган мусобақалар талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларга жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, ғалабага интилиш, соғлом турмуш тарзига одатлантириш мақсадларида ташкил этилди. 100 метрга югуриш баҳсларида Хуршид Комилов ғолиб чиққан бўлса, қизлар орасида Дурдона Ҳалимовага тенг келадигани топилмади. 500 метр масофага чопиш мусобақаларида Дилором Умматова, 1000 метрга югуриш баҳсларида эса Алишер Холмуродов шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олишди.

Узунликка сакраш беллашувларида Шодиёр Ҳайдаров ва Зулфия Исаева барча рақибларини ортда қолдиришди. Ядро ирғитиш борасида Алишер Холмуродов ва Феруза Исломова барчага ўрнак бўлишди. Ҳожиакбар Ёқубов эса тош кўтаришда маҳоратини намойиш этди. Шунингдек, гимнастика машқларини бажариш, арқон тортиш ва эстафета баҳсларида ҳам жамоавий ғолиблар аниқланиб, уларга «Коллеж чемпиони» медаллари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

● Кутубхоналар тизимида нима гап?

Илм ва маънавият инсонни етукликка, баркамолликка элтувчи ёруғ йўлдир. Ана шу маънавиятнинг асосий омили, албатта, китоб ҳисобланади. Кўп китоб ўқиган киши ўзининг хулқи, одоби, ахлоқи билан ўзгалардан ажралиб туради. Зеро, китоб ўқишдан чарчамаган кишини доимо ақли чархланиб, тафаккури, дунёқараши ривожланиб бораверади.

Юртимизда ёшларнинг билим олишлари, ўзлари қизиққан соҳа билан чуқурроқ шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Шулардан бири бу кутубхоналардан доимий фойдаланиб бориш имкониятидир. Хўш, ҳозирги кутубхоналарнинг аҳволи, ундаги китоб жамғармалари бугунги китобхон талабига жавоб берадими? Бу саволга жавоб топиш мақсадида Зангиота тумани марказлашган кутубхоналар тизими иш фаолиятига бир назар ташласак.

Туман ташкил этилгандан бошлаб қишлоқ кутубхоналари изчил фаолият кўрсатаяпти. 1979 йилда марказлаштирилиб, 30 та қишлоқ кутубхонасини ўз ичига олган тизим ташкил қилинган. Ходимлар ташаббуси билан, жойлардаги аҳолининг талабини инобатга олиб, туманнинг чекка жойларида ҳам кутубхоналар очилган. Мактаб кутубхоналари билан бир қаторда туманимизда марказлашган кутубхоналар тизимига қарашли 24 та тармоқ кутубхонаси, битта марказий кутубхона ва болалар кутубхонаси фаолият кўрсатаяпти. Китобхонлар талабини инобатга олган ҳолда кўплаб янги адабиётлар китоб жамғармасига қўшилиб бормоқда.

Кутубхоналар ҳар йили 25 мингдан ортиқ китобхонга хизмат кўрсатади. Болалар, ўсмирлар ва катта ёшдаги китобхонлардан иборат мижозларнинг қизиқишлари мунтазам ўрганиб борилади.



## ДУНЁНИНГ ЁРУҒЛИГИ ИЛМ БИЛАН

Янги ишга кирган ходимларга кутубхона ишини ўргатиш мақсадида туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда уч ойлик курс ташкил қилинган. Уни битирганларга дипломлар топширилади.

Мижозларга малакали хизмат кўрсатиш, ҳар кимнинг қизиқишига қараб китоб тавсия қилиш, муҳим масаладир. Шунинг учун кутубхонада китоб кўргазмаларини ташкил этиш, мактаблар, маҳалла, корхона, ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш асосий вазифамиз. Ҳомийлар ҳар йили кутубхоналаримиз учун имкон қадар маблағ ажратадилар. 2004 йил давомида тармоқ кутубхоналари жамғармасини бойитиш мақсадида 1581910 сўмлик 1331 нусха янги китоб, янги номдаги адабиётлар олинди. Жумладан, туман ҳокимлиги томонидан 450 минг сўм, маданият ва спорт бўлими томонидан 36600 сўм, туман «Нуроний» жамғармаси томонидан 124800 сўм ажратилди. «Турон» кутубхонаси томонидан 255 минг сўмлик 170 дона, китобхонларга ташкил қилинган пуллик хизматдан тушган яна 180 минг сўмлик 196 дона китоб ва давлат бюджети томонидан 493 минг 810 сўмлик 393 дона адабиёт олиниб, китобхонлар эътиборига ҳавола қилинди. Бу адабиётлар орасида лотин графикасида ёзилган адабиётлар ҳам бор. Китобхонларни кундалик воқеа-ҳодисалар, дунёда рўй бераётган жараёнлар билан таништириб бориш мақсадида ҳар йили вақтли матбуот нашрларига обуна бўлишга алоҳида эътибор берилади. Бу йил 1 миллион 618 минг 621 сўмлик газета ва журналларга обуна бўлинди. Булардан 12 та номда 114 дона журнал ва 22 номда 79 дона газета ҳар бир кутубхонага тақсимланган бўлиб, китобхонларга ўз вақтида етказиб беришга эришилмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгида Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш мақсадида кутубхоналаримизда мунтазам оммавий тадбирлар ташкил қилиб борилади. Ҳар бир санага бағишлаб учрашувлар, адабий-бадиий кечалар, суҳбат, баҳс-мунозаралар, ўсмирлар учун тренинг, беллашув, кўрик-танловлар ва кичик ёшдаги китобхонлар учун турли хилдаги адабий ўйинлар уюштирилади. Ҳар йили туман кутубхоналари ўртасида «Йилнинг энг яхши оммавий тадбири», «Президент асарлари билимдони», «Энг фаол китобхон», «Йилнинг энг яхши болалар кутубхоначиси» кўрик-танловлари ўтказилиб, уларга кенг китобхонлар оммаси жалб қилинади.

«Сиҳат-саломатлик йили»га бағишланган қатор тадбирлар ташкил қилинди. Жумладан, «Эл соғлиғи, юрт бойлиги» деб номланган учрашув кечаси, «Тўрт карра йўқ» тренинглари қизиқарли ўтди.

Ҳар жойда бўлгани каби, ютуқлар билан бир қаторда камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Кутубхона жамғармасидаги мазмунан эскирган адабиётлар бугунги китобхон талабига жавоб бермайди. Лотин графикасида ўқийдиган китобхонларимиз, айниқса, ёш китобхонлар учун адабиётлар ҳамон кам. Бу камчиликларни тўлдириш фақат кутубхоналар тизими зиммасидаги вазифа бўлмай, тегишли мутасадди ташкилот ва кенг жамоатчиликнинг доимий диққат эътиборида бўлмоғи лозим.

**Насиба УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**Зангиота тумани марказлашган кутубхоналар тизими услубият бўлими бошлиғи.**


Зангиота туман ҳокимлиги томонидан 2004 йил 18 мартда «BEKOBOD CEMENT SERVIS» МЧЖга берилган (00070) US 0000942 рақамли улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Янгийўл шаҳридаги «Моҳия» хусусий фирмаси
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.
Мурожаат учун тел: 3-20-71.

Қибрай туманидаги «Buston sanatoriyasi» «Buston sanatoriyasi» масъулияти чекланган жамиятига
**АЙЛАНТИРИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 8-371-5-43-11 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Собир Раҳимов туманидаги хусусий тадбиркор «Шукуров Х.Н» номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қибрай туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Атхамов Шерзод Ахмаджонович номига берилган O`RA 1137114 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур туманидаги «NODIR KITOBLAR» (ОКНХ 71280, ОКПО 18722260) шўъба корхонаси ўз фаолиятини
**ТУГАТАДИ.**
Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади.
Манзил: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 42-уй. Тел.: 42-94-69.

Газетанинг 2005 йил 20 апрелдаги сонида чоп этилган Холсаитов Баходир Тулахужаевич номига берилган диплом йўқолганлиги тўғрисидаги эълон
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-344. Адади 5844. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6